

Жиноят иши № [REDACTED]
Маърузачи судья - Ш.Р

Биринчи инстанцияда ишни кўришда
раислик қилган судья – Р.Б

Апелляция инстанция судида
маърузачи судья – М.М

[REDACTED] СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

[REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг очик суд мажлисида,
раислик қилувчи судья: У.Б,
ҳайъат судьялари: З.Я ва Ш.Рдан иборат таркибда, судья катта
ёрдамчиси Ш.Анинг котиблигида, тарафлардан [REDACTED]
прокуратураси бўлим прокурори Ғ.А, жабрланувчилар Э.Р ва Б.Ю,
судланган Х.Ж ва унинг ҳимоячиси адвокат Т.Бнинг иштирокида, жиноят
иши бўйича жабрланувчилар Э.Р ва Б.Ю томонидан тафтиш тартибида
билдирган шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED]
[REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖК [REDACTED]
[REDACTED]

[REDACTED] ўташ
белгиланган.

Жиноят оқибатида етказилган зарар учун судланган [REDACTED]
[REDACTED]

[REDACTED] ҳамда жабрланувчининг
вакили [REDACTED].000.000 сўм ундириш;

Судланган Х.Ж томонидан етказилган зарарларни қоплаш учун
[REDACTED] вилоят филиалидаги
депозит ҳисоб рақамига топширилган 2.000.000 сўм пул маблағларини
юқорида номлари қайд қилинган жабрланувчиларга пропорционал
тартибда тақсимлаш белгиланган.

[REDACTED] ишлари бўйича судлов ҳайъати
апелляция инстанциясининг [REDACTED]



ҳукми ўзгартирилиб, судланган Х.Жга ЖК [REDACTED]

ўзгартирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]

Судланган Х.Ж томонидан содир қилинган жиноят натижасида жабрланувчи Э.Р, [REDACTED] жабрланувчининг вакили А.Абдаловага етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланган деб ҳисобланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган Х.Ж [REDACTED]

[REDACTED] билан учрашиб, унга шоли экини экиб қўйганлигини, шоли парваришига минерал ўғит ҳамда шоли сотиб олишига пул керак бўлиб турганлигини, олган пулларини шolini йиғиштиргандан кейин беришини айтиб, ишончини суиистеъмол қилиб, давомли равишда, яъни 2022 йил сентябрь ойида 80.000.000 сўм, 2023 йил июнь-октябрь ойларида 142.000.000 сўмини олиб, олган барча пулларни 2023 йил ноябрь ойида қайтариб беришга ваъда қилиб, [REDACTED] равишда қўлга киритиб ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Шунингдек, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2022 йил сентябрь ойида [REDACTED] навли гуручни 53.000.000 сўмга сотиб олишга келишиб, пулларни тез кунда беришини айтиб, ишончини суиистеъмол қилиб, Р [REDACTED].000 сўмлик гуручларни қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Худди шунингдек, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил июнь ойида, [REDACTED] ва пул керак бўлиб турганлигини, олган минерал ўғитлар ва пулларни 2023 йил ноябрь ойида шоли ҳосилини йиғиштириб олиши билан қайтариб беришини айтиб, шу йўл орқали ишончга кириб, ишончини суиистеъмол қилиб, унинг баҳоси 13.500.000 сўм бўлган минерал ўғитларини ва сўмга нисбатан қиймати 34.431.000 сўм бўлган (20.06.2023 йил кунги ҳолатига) 00 АҚШ долларини, жами 47.931.000 сўм анча миқдордаги мулкни



қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Бундан ташқари, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил 26 июль куни [REDACTED]

[REDACTED] сўмга сотиб олишга келишиб, пулларни 20 кундан сўнг беришини айтиб, шу йўл орқали ишончига кириб, ишончини суиистеъмол қилиб, [REDACTED] 131.152.500 сўм кўп миқдордаги пулларини қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Булардан ташқари, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил 4 август куни [REDACTED]

учрашиб, унга [REDACTED]

тугалланмаган нотурар биносини 19.400 АҚШ долларига сотишини, кадастр ҳужжатларини тайёрлатиб, номига ўтказиб беришини айтиб, 19.400 АҚШ доллар миқдордаги пулларини олиб, [REDACTED] ушбу бинони ўзини шахсий жамғармасидан 70.000.000 сўм сарф қилиб таъмирлаш ишларини олиб борганлигини билиб, 2024 йил январь ойида бинони ўзга шахсларга сотиб юбориб, [REDACTED] суиистеъмол қилиб, сўмга нисбатан қиймати 225.392.110 сўм (01.08.2023 йил кундаги 1 АҚШ доллари 11618.15) бўлган жуда кўп миқдордаги 19.400 АҚШ долларини қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Шунингдек, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил 10 февраль куни [REDACTED]

[REDACTED] билан учрашиб, ундан 8,4 тонна лазер навли гуручни 67.200.000 сўмга сотиб олишга келишиб, олдиндан 60.000.000 сўм пулларни бериб, қолган 7.200.000 сўм пулларни эса тез кунда беришини айтиб, ишончини суиистеъмол қилиб, [REDACTED] сўмлик гуручларни қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Худди шунингдек, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, [REDACTED]

[REDACTED] қилиши учун минерал ўғит ва шоли сотиб олиши учун пул керак бўлиб турганлигини, олган пулларини шолиларини йиғиштириб олиб 2023 йил ноябрь ойида қайтаришини айтиб, О [REDACTED] ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 53.000.000 сўмини 2023 йил август-октябрь ойигача давомли равишда қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Бундан ташқари, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил сентябрь ойида [REDACTED]



учрашиб, ундан 5,5 тонна гуручни 50.000.000 сўмга сотиб олишга келишиб, олдиндан 22.000.000 сўмни бериб, қолган 28.000.000 сўм пулларни эса 10 кундан сўнг беришини айтиб, ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан Б.Юнинг 28.000.000 сўмлик гуручларни қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Булардан ташқари, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил сентябрь ойида

114.750.000 сўм пулларни бериб, қолган 23.000.000 сўмни эса 10 кундан сўнг беришини айтиб, ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Шунингдек, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил 14 октябрь куни,

400.000 сўмга сотиб олишга келишиб, олдиндан унга 11.400.000 сўмни бериб, қолган 20.000.000 сўмни у сўраган пайтда беришини айтиб, ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 20.000.000 сўмлик гуручларни қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Худди шунингдек, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил октябрь ойида

учрашиб, гуруч сотиб олиши учун пул бериб туришни, олган пулларини 2 кун ичида қайтариб беришини айтиб, ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 122.000.000 сўм кўп миқдордаги пулларини қўлга киритиб, ўзини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Бундан ташқари, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил 1 ноябрь куни

шолини 1 кг.ини 11.000 сўмдан ҳисоблаб сотиб олишга келишиб, пулларни 20 кун ичида беришини айтиб, ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан Х.Рўзметовнинг 171.000.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзингиз шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, такроран фирибгарлик содир этган.

Булардан ташқари, судланган Х.Ж такроран жиноят содир қилиш йўлига кириб, 2023 йил 10 май кунидан 26 май кунига қадар бўлган даврда жиноий ҳаракатларини давомли тарзда амалга ошириб,

га 25 гектар ер майдонига экилган шолини йиғиштириш билан боғлиқ вазиятлар учун пул зарурлигини, олган пулларини шоли йиғим-



теримидан кейин қайтаришни ваъда қилиб, бўлиб-бўлиб жами 30.000.000 сўмни қўлга киритиб, ишончга киришнинг усули сифатида қўлёзма тарзда тилхатлар ёзиб бериб, пулларни шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, такроран фирибгарлик содир этган.

Шунингдек, судланган Х.Ж бошқа шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран амалга ошириб, ўзганинг мол-мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 23 сентябрь куни, [REDACTED]

билан учрашиб, унга 25 гектар ер майдонига экилган шолини ўриб даладан йиғиштириш билан боғлиқ харажатлар учун пул зарурлигини, олган пулларини 15 кундан кейин қайтаришни ваъда қилиб, 30.000.000 сўмни қўлга киритиб, ишончга киришнинг усули сифатида шаръий никоҳдаги турмуш ўртоғи билан бирга қўлёзма тарзда тилхат ёзиб беришиб, шаръий никоҳидаги шахснинг [REDACTED]

шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, такроран фирибгарлик содир этган.

Жабрланувчи Э.Р шикоятда, судланган Х.Жни яқин қариндоши [REDACTED] етказилган зарар қопланганлиги ҳақида тилхат беришини, қопланмасдан қолган зарарни ўзи қоплаб беришини айтиб, алдаб тилхат берганлиги ва зарар қопланганлиги тўғрисида ўзидан тилхат олганлиги, бироқ бугунги кунга қадар етказилган зарар қопланмаганлиги ҳақида важлар келтириб, Х.Ж ва У [REDACTED] қонуний чора кўришни ва етказилган зарарни ундиришни сўраган.

Жабрланувчи Б.Ю шикоятда, судланган Х.Жни турмуш ўртоғи томонидан онаси оғир касаллигини айтиб, зарарни уч ой ичида қоплашларини билдирганликлари сабабли судда зарар қопланганлиги тўғрисида кўрсатув ва ариза берганлигини, бироқ бугунги кунга қадар етказилган зарар қопланмаганлиги ҳақида важлар келтириб, етказилган зарарни ундиришни сўраган.

Тафтиш инстанцияси суди, иш бўйича судья Ш.Рнинг маърузасини, жабрланувчилар Э.Р ва Б.Юнинг етказилган зарарни ундириш ҳақидаги, судланган Х.Ж ва унинг ҳимоячиси адвокат Т.Б ҳамда прокурор Ғ.Анинг шикоятларни қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, тафтиш шикоятларида келтирилган важларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни ҳамда тафтиш тартибида берилган шикоятларни эса қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топади.

Судланган Х.Жнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, биринчи инстанция судида айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчи Э.Р, Э. [REDACTED]

[REDACTED] а, гувоҳ



Н. [REDACTED], жабрланувчиларнинг аризалари, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасида назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Хусусан, судлар иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган Х.Жнинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, айби исботланганлиги тўғрисида асосли хулосага келган ва унинг айб квалификациясини муҳокама қилишда, ишдаги тўпланган далилларга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК [REDACTED] тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати жабрланувчи Э.Рнинг шикоятдаги, судланган Х.Жни яқин [REDACTED] етказилган зарар қопланганлиги ҳақида тилхат беришини, қопланмасдан қолган зарарни ўзи қоплаб беришини айтиб, алдаб тилхат берганлиги ва зарар қопланганлиги тўғрисида ўзидан тилхат олганлиги, бироқ бугунги кунга қадар зарар қопланмаганлиги ҳақида важлар келтириб, Х.Ж ва [REDACTED] қонуний чора кўришни ва етказилган зарарни ундириш ҳақидаги;

шунингдек, жабрланувчи Б.Юнинг шикоятдаги, судланган Х.Жни турмуш ўртоғи томонидан онаси оғир касаллигини айтиб, зарарни уч ой ичида қоплашларини билдирганликлари сабабли судда зарар қопланганлиги тўғрисида кўрсатув ва ариза берганлигини, бироқ бугунги кунга қадар етказилган зарар қопланмаганлиги сабабли ушбу зарарни ундириш ҳақидаги важлари билан келишилмайди деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги № 17-сонли Қарорининг 30-бандида, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, жабрланувчи суд мажлисида ўзига етказилган моддий зарарлар амалда қопланганлигини билдириб, ихтиёрий ёзма ариза тақдим қилганлиги натижасида моддий зарарлар қопланганлиги эътироф қилинган суднинг ҳукми (ажрими), кейинчалик жабрланувчининг ушбу зарар қопланмаганлиги ҳақидаги важи асосида юқори инстанция судлари томонидан суд ҳукми (ажрими)нинг бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига сабаб бўлмайди деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 13-моддасининг 2-қисмида, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга

ргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу



жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади деб белгиланган.

Судлар томонидан қайд қилинган Қонун ва Пленум қарорларига риоя қилинган деб ҳисоблайди.

Хусусан, жабрланувчилар Э.Р ва Б.Ю томонидан апелляция инстанция суди мажлисида ўзларига етказилган моддий зарарлар амалда қопланганлигини билдириб, ихтиёрий ёзма ариза тақдим қилишган.

Уларнинг бу ҳақдаги кўрсатувлари, суд мажлиси баённомасига илова қилинган ДВД дискдаги видео тасвирлар билан ҳам тасдиқланади.

Шунга кўра, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати, апелляция инстанция суди томонидан судланган Х.Жга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига иқрор ва пушаймонлигини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги каби ҳолатларни жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, [REDACTED]

этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаб, қонуний ва адолатли тўхтамга келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддасида, тафтиш инстанцияси, агар чиқарилган суд қарорлари моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, ҳукми, ажримни ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 25 июндаги “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 18-сонли Қарорининг 17-бандида, агар қуйи инстанция суди ҳукми, ажрими моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ чиқарилганлиги аниқланса, тафтиш инстанцияси суди уларни ўзгаришсиз қолдиради деб тушунтириш берилган.

Юқоридагиларга асосан, тафтиш инстанцияси, шикоятлардаги важлар суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суднинг қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Баён қилинганларга кўра, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 478, 482, 483, 510, 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб,

ажрим қилади:

[REDACTED] ажрими ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоятлар қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.



Суд қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиши учун шикоят (протест) билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:	имзо	У.П.Б
Ҳайъат судьялари:	имзо	З.А.Я
	имзо	Ш.А.Р
Аслига тўғри:	Ш.А.Р	

